*Футбол*

# ҲАММА ГАП — ЧИРОЙЛИ ЎЙИНДА

«Трактор» командаси янги мавсумни кўтаринкилик билан бошлади. Стадиондаги ҳар бир ўйин мухлислар учун ҳақиқий байрамга айланмоқда, деса бўлади. Айниқса, 2-турда ўз майдонида «Косонсой» билан бўлган ўйин ниҳоятда қизиқарли ўтди. Учрашув тугагач ҳам ишқибозлар анчагача стадион ва унга ёндош кўчаларда сайилни давом эттирдилар.

— Биз учун 1:0 ҳисоби камтарона натижа эмас, — дейди Тошкент трактор ишлаб чиқариш давлат ҳиссадорлик жамиятининг ишчиси Собир Ҳакимов. — Биласизми, ҳамма гап — майдондаги чиройли ўйинда! Шунинг учун бирор дақиқа ҳам зерикишга вақт топилмади....

Биз ҳам «Трактор»нинг мавсум бошидаги ютуқларидан мамнун ҳолда гапни сал аввалроқдан бошламоқчимиз: жамоа ўтган йили олий лигада 7-ўринга кўтарилди. Асосий таркибнинг ўзига хос ўйин савияси ҳақида мухлислар ва мутахассислар томонидан илиқ фикрлар билдирилди. Ўринбосарлар жамоаси ҳам муттасил машқ ва мусобақаларда тобланяпти. Ўтган йилги кенг қамровли таъмирдан сўнг жамоа стадиони пойтахтдагина эмас, балки республикадаги энг гўзал ва шинам ўйингоҳлардан бирига айланди. Мавсум давомида усти ёпиқ стадионнинг баҳаво ўриндиқлари мухлислар билан гавжум бўлди. Кўпгина оммавий спорт тадбирлари, жумладан, Тошкент шаҳар ҳокими Кубоги учун турнир финал ўйини ҳам «Трактор» стадионида ўтказилди.

Мана, VI миллий чемпонат ўйинлари ҳам бошланди. Клубнинг тайёргарлиги қандай?



Энг аввало, «Трактор»нинг собиқ мураббийси Валерий Лёткиннинг қадрдон жамоасига қайтганлигини айтиш лозим. Тайёргарлик фақатгина машқлар билан чекланмайди, албатта. Январда «Навбаҳор», «Пахтакор» ва Қибрайнинг «Роҳат» командалари билан бир неча ўртоқлик учрашувлари ўтказилганди. Февраль ойида жамоанинг Малайзияга қилган сафари муваффақиятли кечди. Ушбу серқуёш ва илиқ иқлимли мамлакатда футболчиларимиз ўқув машқлари ўтказдилар ҳамда маҳаллий жамоалар — «Рейджерс», «Серенбан», «K.L» ва армия клублари билан куч синашдилар. Аксарият ўйинларда «Трактор» жамоаси йирик ҳисобларда ғалаба қозонди.

— Жамоамизнинг мавсумолди тайёргарлиги жараёнида чет элларга сафар қилиши анъанага айланмоқда, — дейди Валерий Лёткин. — Малайзияга қилган бу йилги сафаримиз Мирзо Улуғбек тумани ҳокимлиги ва Тошкент трактор ишлаб чиқариш ҳиссадорлик жамиятининг ҳомийлигида муваффақиятли ўтди. Биз ҳам албатта бу ғамхўрликка чемпионат ва кубок ўйинларида яхши натижалар кўрсатиш билан жавоб қайтаришга бурчлимиз.

Энди жамоадаги ўзгаришлар хусусида қисқача тўхталсак. Ҳимоя чизиғида ўйновчи 6 нафар футболчи — Олег Нестеров, Григорий Богданов, Марат Галимов, Павел Зотов, Раҳимов ва Сарвар Алибоевлар турли сабабларга кўра жамоани тарк этдилар. МҲСКдан дарвозабон Юрий Шейкин яна қадрдон жамоасига қайтди. Шунингдек, «Урганч»дан Бургандин, Чобанов, «Асбобсоз»да тўп сурган Рустам Мажидовлар ҳам сафимизга қўшилишди. Клуб қошида фаолият кўрсатаётган ўринбосарлар гуруҳидан ҳам бир неча ўйинчи асосий таркибга қабул қилиниб, ўйинларда қатнашмоқдалар. Хуллас, жамоа таркиби, машқлар, ўйингоҳ ва бошқа ташкилий масалаларда ҳам айтарлик муаммо йўқ. Жамоамизнинг яна бир мураббийси, яқиндагина «Трактор» сафида тўп сурган Равшан Ҳайдаров, жамоа бошлиғи Анатолий Кочедеков, маъмур Игор Мустафинлар бу йил янада юксак марраларни кўзлаб ҳаракат қилмоқдалар.

*Бахтиёр ҲАЙДАРОВ.*

*«02»*

## ТУНГИ ТАЛОНЧИЛАР

Мирзо Улуғбек туманидаги уйлардан бирида тунда талончилик жинояти содир қилинди. Уч ака-ука телевизор кўриб гурунглашиб ўтиришганди. Кимдир эшикни тақиллатгандай бўлди. Кичиги Назир эшикни бориб очди. Ташқарида ҳеч ким кўринмади. Хаёлимга эшик тақиллагандай бўлгандир, дея ёпишга ҳам улгурмасдан қандайдир қора ниқобли кимсанинг кучли қўллари остида ерга қулаб тушди. Ниқобли кимсалар дарров уйдаги икки акаукани ҳам пичоқ билан қўрқитиб, оёқ-қўлларини боғлашиб хонадонни титкилай бошлашди. «Тиллаларни қаерга яширгансанлар, яхшиликча топиб беринглар, акс ҳолда ўзларингга қийин бўлади», деди ниқобли кимсалардан бири.

— Бизда тилла нима қилсин, — деди Садировларнинг энг каттаси.

— Афтидан сен яхши гапга тушунмайдиганга ўхшайсан, — дея ниқоблилардан бири унинг юз-кўзи аралаш мушт туширди. Лабидан тирқираб оққан қон Садировнинг эгнидаги оқ кўйлагини бирпасда қизилга бўяди.

— Айтмасаларинг ўзларингга жабр қиласанлар, — дейишди босқинчилар уларга пичоқ ўқталишиб. Бирпасда уйдаги барча жомадону, мебель тортмалари ағдар-тўнтар қилинди. Синмаган, бузилмаган нарсанинг ўзи қолмади хонада.

Ниҳоят босқинчилардан бири ака-уканинг тижорат қилиб яхши мақсадда уй сотиб оламиз дея йиғиб қўйган 120 минг сўм пулларини топиб олиб, чўнтагидан сумкани чиқариб шунга жойлади. Шундан сўнг эҳтиёткорлик билан келган йўлларидан яна чиқиб кетишди.

Ўғрилар ҳар қанча эҳтиёткорлик қилишмасин, қанчалик жиноят изларини яширишга уринишмасин, барибир милиция ходимларидан қочиб кетолмадилар. Мирзо Улуғбек тумани ички ишлар бошқармаси навбатчилик қисмига тезкор хабар келиб тушганидан кейин тезкор гуруҳ тузилиб, босқинчиларни қўлга олиш тадбирлари белгиланди. Ички ишлар ходимларининг саъй-ҳаракатлари натижасида уларнинг ҳаммаси қўлга олиниб, ҳозирги пайтда терговда қилмишлари учун жавоб бериб ўтиришибди.

Энди бу кимсаларнинг кимлиги ҳақида икки оғиз гап. Уларнинг ҳаммаси ўқиган, тушунган кимсалар. Улар ичида ҳатто шаҳримиздаги туманлардан бирида солиқ бўлимида нозир бўлиб ишлайдиган шахс ҳам бор.

Қолган уччови эса Сурхондарёнинг турли туманларидан. Ички ишлар ходимлари уларни Сурхон воҳасидан қўлига кишан солиб олиб келишди.

## ҲАЙВОНОТ БОҒИДАН ҚОПЛОН ҚОЧДИ

Тошкент ҳайвонот боғидан қоплоннинг қочганлиги ҳақиқат. Бироқ муштарийлар кўп ҳам ваҳимага тушмасликлари мумкин. Наврўз кунларининг бирида ҳайвонот боғидан йиртқич ҳайвон ҳисобланмиш қоплон қочиб кетиб Тошкент тиббиёт институти атрофида пайдо бўлади. Ички ишлар ходимлари воқеа содир бўлган жойга дарров етиб боришиб, уни ушлашга ҳаракат қилишди. Ҳайвонот боғи ходимлари «Юлька»нинг одамларга тажовуз қилмаслиги учун курол ишлатишга рухсат беришди. Юлька оёғидан яраланиб, ҳозирги вақтда даволанмоқда. Унинг «инжиқ»лигидан ҳеч кимга шикаст етмади.

*Мирза АБДУЛЛАЕВ,*
*Тошкент шаҳар ИИББ ходими.*

*Дорихона*

## «ТИНЧЛАНТИРУВЧИ»НИНГ ХОСИЯТЛАРИ

Момоқаймоқ кўп йиллик, бўйи 20-50 сантиметр, мураккаб гуллилар оиласига мансуб бўлиб, йўл ёқаларида, ариқ бўйларида, боғларда ўсади, барги ланцетсимон, патсимон бўлади, гуллари тилсимон, сариқ-тилларанг. Ҳаво совуқ пайтда тунда ва ёмғирдан олдин ўз гулларини ёпиб олади. Бу билан у чангдонини совуқдан ва намликдан сақлайди. Лотинча номи — «Тараксум», юнонча «Татассеин», ўзбекчада «тинчлантирувчи» деган маънони англатади. Момоқаймоқ Афғонистон, Эрон, Марказий Осиёда янги ёш барглари (гуллашидан олдин) кўклам неъматлари сифатида қўлланилади.

Франция, Австрия, Германия, Голландия, Ҳиндистон, Япония мамлакатларида момоқаймоқ экин сифатида боғ-томорқаларда экиб ўстирилади. Кўпгина мамлакатларда ўсимликнинг қовурилган илдизи қаҳва ўрнида ҳам тайёрланади. Халқ табобатида у иштаҳа очувчи, таом ҳазмини яхшилашда, қабзият, қорин дам бўлганда, сариқ ва жигар хасталигида, бод, қандли диабет, қон босими ошганда, пешоб йўли бузилганда, сил каби хасталикларда қўлланилади. Унинг шираси, барг ёки илдиз бўтқаси яра, экзема, чипқон, куйган жойларни даволашда, сўгалларни олиб ташлашда яхши даво бўлади. Момоқаймоқ айниқса камқонликда, қувватсизликда фойдали.

Ўсимлик гулларидан тайёрланган мураббо ташқи кўринишдан, ҳиди ва таъми билан асални эслатади. Эрта билан соат 6-7 ларда ўсимлик хушбўй нектарга тўлганида гуллари ёғилади. Сўнг 100 грамм гулига 900 миллилитр сув нисбатида олиниб, 2-3 дона лимон парраги қўшилади ва паст оловда 40-50 дақиқа қайнатилади, докадан ўтказилади. Кейин бир кило қанд қўшилади ва 60-80 дақиқа қайнатилади.

Қадимги табобатда ўсимлик ёш барглари, илдизи, шираси ва уруғи дори сифатида қўлланилган. Буюк аллома Абу Али ибн Сино бу ўсимлик билан йўтални қолдиришда, тиқилмаларни очишда фойдаланган. У чаён чаққанда заҳарга қарши наф беради. Эмизикли аёлларнинг сутини кўпайтиришда малҳам бўла олади. Замонавий табобатда ҳам бу ўсимлик иштаҳа очувчи, қабзиятда ва ўт ҳайдовчи сифатида ишлатилади. Бунинг учун бир ош қошиғида ўсимлик барглари ва гуллари олиниб, 200 грамм қайноқ сувга солинади. 20 дақиқа дамланади. Сузилади ва 2-4 ош қошиғидан кунига 3 маҳал таомдан ярим соат олдин ичилади. Илдизидан тайёрлаш учун у обдон майдаланади, бир стакан қайноқ сувга бир ош қошиқда солиниб, паст оловда 30 дақиқа милтиллатиб қайнатилади. Сўнг қайнатмадан 2-3 ош қошиқда 3 маҳал ичилади. Ўсимликни шаҳар ичида йиғиш тавсия этилмайди. Сабаби, момоқаймоқ автомобиллардан чиқаётган газдаги қўрғошинни ўзлаштиради.

*Мирзамир МИРЗАШАРИПОВ, доришунос.*

**ОҚШОМХОНЛАР ДИҚҚАТИГА!**
«Тошкент оқшоми» газетасининг навбатдаги сони 21 апрелда чиқади.

**Бош муҳаррир Эркин ЭРНАЗАРОВ**

*17 апрель — Ўт ўчирувчилар куни*

# «ТИЛСИЗ ЁВ» ЧЕКИНМОҚДА

***Ҳар йили ер юзида 55 мингга яқин ёнғин содир бўлмоқда. У катта миқдордаги давлат ва халқ мулкини йўқ қилиши билан бирга, ёнғинларга бефарқ қараш, масъулиятсизлик натижасида минглаб кишиларнинг ҳаёт чироғи сўнмоқда. Хусусан, ўтган 1996 йилда шаҳримизда 3112 ёнғин содир бўлиб, улар келтирган моддий зарар 37 миллион сўмдан ошиб кетди. Ёнғинларда 96 киши тан жароҳати олиб, 46 киши ҳаётдан кўз юмди, шулардан 8 таси ёш болалардир. Кейинги пайтларда Тошкент шаҳар Ёнғиндан сақлаш бошқармаси ходимларининг доимо сергак туришлари, ўз касбларига фидойиликлари натижасида ёнғинларни ўз вақтида ўчириш, жойларда унинг олдини олиш борасида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилмоқда. Бизнинг Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ёнғиндан сақлаш бошқармаси бошлиғи, ички хизмат полковниги Эркин Жуманов билан суҳбатимиз ҳам пойтахтда ёнғинларнинг олдини олиш, ўт ўчирувчиларнинг касб маҳоратларини ошириш борасида қилинаётган ишлар хусусида бўлди.***

**— Эркин Ғаппорович, айтингчи, кейинги пайтларда қаерларда кўпроқ ёнғин содир бўлмоқда ва уларнинг олдини олиш учун қандай чора-тадбирлар кўрилмоқда?**

— Ўтган йили маҳаллалардаги шахсий уйларда энг кўп ёнғинлар содир бўлганди. Уларнинг асосий сабаблари эса ўринда, айниқса маст ҳолда сигарета чекиш, болаларнинг қаровсиз қолиб гугурт ўйнашлари, нособ электр асбобларидан фойдаланиш, томларда хашак сақлаш, газ асбобларини ишлатганда эҳтиётсизлик чораларини кўрмасликдир. Кўпгина шахсий уйлар, айниқса С. Раҳимов, Шайхонтоҳур, А. Икромов, Сергели туманларидаги уйлар бундан 30-40 йил олдин қурилган. Улардаги электр симларининг аллақачон ўз муддатини ўтаб қўйганлиги ҳам ёнғинларга сабаб бўлмоқда.

Бундан ташқари, сир эмас, ҳозир маҳаллаларда, кўчакўйларда катталар, ҳатто ёш болалар ўртасида бензин сотиш ҳоллари тез-тез учраб турибди. Бу эса ёнғин хавфсизлиги қоидаларига умуман зид ҳол. Тошкент шаҳар давлат солиқ инспекцияси ходимлари билан бензинфурушларни аниқлаш бўйича рейд ўтказганимизда Халқлар дўстлиги, Ниёзов, Улуғбек, Алоқа, Ғ. Мавлонов, Мевазор, Арча, Катта қаъни, О. Зокиров, Уста Олим кўчалари, Юнусобод 2-мавзесида ноқонуний равишда бензин сотилаётганининг гувоҳи бўлдик. Шу ўринда қуйидагиларни эслатиб ўтиш ўринлидир: ўз шахсий машинасига эга бўлган фуқаролар уйларида 20 литрдан ортиқ бензин сақламасликлари шартдир. Бензин ва бошқа тез ёнувчи ёнилғи моддалари темир идишларда сақланиши зарур. Шиша, пластмасса, полиэтилен идишлар бунга тўғри келмайди.

Бугунги кунда маҳаллалар, янги даҳаларда уй-жойлар қурилиши авж олмоқда. Бунда кўпчилик хонадон эгалари ёнғинга қарши девор қуришга ёки оралиқ масофа қолдиришга аҳамият бермайдилар. Бунинг оқибатида эса бир хонадондан чиққан ёнғин бошқаларига ўтиб кетмоқда.

Шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, бизда ҳозирда катта ёнғинларни ўчириш учун шахсий таркибимиз, техникамиз етарли. Кўпчилик билмаслиги учун эслатиб ўтаман: ўт ўчириш машиналари 2 турга бўлинади — сув олиб юрувчи ва сувсиз машиналар. Сувли машиналарга 2 тонна сув жойланади ва у беш дақиқа сепишга етади. Сувсиз машина эса кўчалардаги ер ости сув қудуғига ўрнатилиб ёнғинда ишлатишга



мўлжалланган. Ўтган йилнинг ноябрь ва декабрь ойларида пойтахт ҳудудида жойлашган 12811 та ер ости сув қудуқлари бошқармамиз ходимлари томонидан текширувдан ўтказилди. Ва улардан 369 тасининг нособлиги аниқланди. Бу эса ёнғинларни ўчиришда катта қийинчиликлар туғдирмоқда — яъни қўшимча куч ва воситаларни жалб қилишга, шахсий таркиб ҳаётини хавф остига қўйишга олиб келмоқда. Бу ҳолат эса шу туманлардаги ер ости сув қудуқларини таъмирлаш корхоналари фаолияти кўнгилдагидек эмаслигини кўрсатади.

Ўтган йили шаҳримиздаги «Эликаф» дўкони ва Қорақамиш даҳасидаги кўп қаватли бинода газдан нотўғри фойдаланиш оқибатида портлаш юз бериб кўплаб одамлар ҳалок бўлганлиги маълум. Ана шундай нохуш ҳодисаларнинг олдини олиш мақсадида «Тошгаз» ходимлари билан биргаликда алоҳида режага асосан махсус рейдлар ўтказилмоқда. Ҳозиргача биргаликда 1920 шахсий уйлар ва 185 та давлат тасаррufидаги уйлар бирма-бир текшириб чиқилди. Натижада 132 ҳолда газдан фойдаланиш тақиқлаб қўйилди, шундан 86 тасида газ қувурини ўзбошимча улаб фойдаланиш ҳоллари аниқланди. 48 иншоот эса газ қувурлари устида қурилгани маълум бўлди.

Юқоридаги сабабларга қарамай йил сайин шаҳримиздаги ёнғинлар сони, ундан кўрилган зарар, ҳалок бўлган ва тан жароҳати олганлар камаймоқда. Бунга маълум жиҳатдан давлат ёнғин назорати идораларининг фаолияти тўғри йўлга қўйилгани, жойларда кенг кўламдаги профилактика, тушунтириш ва тарғибот ишлари яхши ташкил этилганлиги ҳам муҳим омил бўлмоқда. Бунда туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда корхона, муассаса, хўжаликлар, мавзе ва маҳаллаларда учрашувлар ўтказишга, газета, телевидение, радио тўлқинлари орқали чиқишлар уюштиришга катта эътибор қаратмоқдамиз. Айниқса Бодомзор, Мингўрик, Обод, Боғишамол, Ҳуснобод, Югнакий, Улуғбек маҳаллаларидаги тадбирлар қизиқарли ва сермазмун ўтди. Унда жамоамиз шахсий таркиби иштирокида ўт ўчириш анжомлари, уларнинг иш тамойилларини кўрсатдик. Аҳолини қизиқтирган саволларга жавоб бердик, уларни ёнғин хавфсизлиги қоидалари билан яқиндан таништирдик. Бундан ташқари шаҳар ҳокимининг 1996 йил 5 апрелдаги «Тошкент шаҳрида ёнғин хавфсизлигини таъминлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ пойтахтдаги корхона, ташкилот, муассасаларнинг моддий ёрдамлари билан 2 миллион сўмликка яқин тарғибот воситалари, плакатлар, тақвимлар, рисолалар чоп этилиб маҳаллалар, кўп қаватли уйларга тарқатилди. «Ўқувчилар учун ёнғин хавфсизлиги қоидаларининг асоси» ва «Кичкинтойларга ёнғин хавфсизлиги ҳақида» рангли суратлар тўпламлари нашрдан чиқарилиб мактаб ва боғчалар таъминланди.

Шунингдек, Тошкент шаҳар ҳокимлиги, Ички ишлар вазирлигининг доимий мадад, кўмаклари ишимизда катта ёрдам бермоқда. Жумладан, кейинги пайтларда Франциянинг «Камива» фирмасида ишлаб чиқарилган, 4 тонна сув сиғимига эга «Рено» русумли 2 та ўт ўчириш машинаси, Германияда ишлаб чиқарилган 53 метр баландликка кўтара оладиган нарвонли ўт ўчириш машинаси ҳамда Германиянинг «Драгер» фирмасида ишлаб чиқарилган нафас йўлларини тутун ва заҳарли моддалардан ҳимоя қилувчи 400 га яқин мосламалар олдик. Россиядан келтирилган 5 та «ЗИЛ» ўт ўчириш машиналари ҳам жуда асқотмоқда.

**— Сизларнинг оғир, бироқ масъулиятли фаолиятингизда ходимларнинг ҳар томонлама — назарий ва амалий, техник-тактик тайёргарлиги муҳим ўрин тутади, албатта. Бинобарин, бошқарма шахсий таркиби маҳоратини ошириш борасида қандай ишлар амалга оширилмоқда?**

— Албатта, бизнинг ходимларимиз ҳам худди спортчилардек доимо «жанговар» ҳолатда бўлишлари тақозо этилади. Шу сабабдан шахсий таркибнинг техник, тактик, жисмоний ва руҳий тайёргарлиги, маҳоратини ошириш масаласига энг биринчи галдаги вазифа сифатида доимо муҳим эътибор қаратамиз. Чунончи, ҳар куни назарий машғулотлар ва объектларда амалий-тактик машғулотлар ўтказилади. Қўшимча машғулотлар ҳам олиб боряпмиз. Руҳий тайёргарликни кўтариш мақсадида 17 та тўсиқдан иборат оловли йўлакда чиниқтириш, 8 метр баландликдаги тор йўл («қил кўприк») каби руҳий тўсиқлар йўлкасидан шахсий таркибнинг барча ходимлари — раҳбардан тортиб қоровул бошлиқларигача ўтади. Ҳар бир қисмдаги ўқув минораларида уч поғонали нарвон, қутқарув арқонларида касб маҳорати ошириб борилади. Чилонзор туманида кичик раҳбарлар касб маҳоратини ошириш бўйича ўқув марказимиз бор. Унда бўлинма сардорлари, радиоалоқачи ва ҳайдовчилар ўз малакаларини оширишади.

Бу борада яна бир хайрли янгилик шундан иборатки, жорий йилдан бошлаб баланд қаватли уйларда чиққан ёнғинлардан одамларни қутқариш, метрода, корхона, ташкилотларда заҳарли моддалар билан ишлайдиган махсус бўлинмалар тузилиб, фаолият бошлади. Улар энг оғир объектларда ишлашлари сабабли махсус тайёргарликдан ўтишади. Марказий Осиёда ягона автомат бошқарув тизими ҳам фаолиятимизда жуда қўл келмоқда. Буларнинг бари хабар келгандан сўнг ёнғин чиққан жойга 5-7 дақиқада етиб боришимиз, тез муддатда «тилсиз ёв»га барҳам беришимиз учун қулай имкониятлар туғдиряпти.

Ҳа, ёнғинни ўчиришдан кўра унинг олдини олган афзаллиги барчамизга маълум. Бунинг учун катта сарф-харажат, маблағ талаб этилмайди, оддий ёнғин хавфсизлиги қоидаларига амал қилишнинг ўзи кифоя.Бор имкониятни ишга солиб озгина масъулият ҳис этилса, уй-жойимизу фарзандларимиз умрини ўт балосидан сақлаб қолган бўламиз.

*Суҳбатдош Дилшод ИСРОИЛОВ.*


## ТИЖОРАТ ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪЛОНЛАР

Шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармаси таъмирлаш-қурилиш бошқармаси
— тракторчи-компрессорчилар;
— ҳайдовчи ва қурувчилик ихтисосидаги ишчиларни
**ИШГА ТАКЛИФ ЭТАДИ**
Қуйидаги манзилга мурожаат қилинг: Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Кемерово кўчаси, 12-уй. Телефонлар: 35-68-44, 35-69-30, 35-18-61.
Мўлжал: лак-бўёқ маҳсулотлари корхонаси.

**ШАҲАР ТЕЛЕФОН ТАРМОҒИ АБОНЕНТЛАРИ ДИҚҚАТИГА!**
Кабель иншоотларини таъмирлаш бўйича режадаги профилактика ишлари амалга оширилиши муносабати билан 1997 йил 15 апрелдан 5 майга қадар Гулобод даҳаси («Марказ-26»)даги 22, 23, 24, 25, 27, 28, 29, 30, 31-уйларда истиқомат қилувчи 42/49-АТС абонентларида алоқа бўлмайди.
**Тошкент шаҳар телефон тармоғи ва радиолаштириш ишлаб чиқариш бирлашмаси.**


«Тошкент оқшоми» газетасининг 1997 йил 9 апрелда чиққан телефон тармоғи хизматларига янги тарифлар жорий этилганлиги хусусидаги шаҳар телефон тармоғи абонентлари диққатига ҳавола этилган эълоннинг пастдан 15-қаторидаги «1997 йил 1 апрелдан бошлаб» деб бошланадиган хатбошиси шундай деб ўқилсин:
«1997 йил 1 апрелдан бошлаб 1941—1945 йилги уруш ногиронлари, ногирон байналмилалчи-жангчилар, Чернобиль фожиаси ногиронлари ва 1-гуруҳ ногиронларига абонентлик тўловига телефон аппарати учун бир ойлик абонентлик тўловининг 50 фоизи миқдорида имтиёзлар белгиланди».


Тошкент оқшоми — Toshkent oqshomi

Муассис: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

Телефонлар: хатлар — 33-29-70; эълонлар: 33-28-95, 33-08-74, 36-57-65. факс: (3712) 33-29-09.

Душанба, чоршанба ва жума кунлари чиқади. Нашр кўрсаткичи 64690

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтаси»га 33-74-05 телефонига мурожаат қилишингиз мумкин.

Рўйхатдан ўтиш тартиби: №10. ❖ Буюртма Г-0216. ❖ Ҳажми — 2 босма табоқ офсет усулида босилади. ❖ Қоғоз бичими А-2 «Шарқ» нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. ❖ Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй. ❖ Босмага топшириш вақти 11.30. ❖ 7.361 нусхада босилди. 1 2 3 4 5 6.